

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК: 338.46:6П2.15.7:338(А)

МЎМИНОВА АЗИЗА ЗИЁДУЛЛО ҚИЗИ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ
ХУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

70310102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
И.ф.н., доц. А.Исмаилов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иктисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

19 - сонли баённома « 26 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. А.Исмаилов

имзо

сана

Магистр: А.З. Мўминова

имзо

сана

Диссертация иши Иктисодиёт факультетида 2023 йил “ 18 ” 05
№ 2/11 рақами билан рўйхатга олинган.

“Химояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иктисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов

“ 3 ” май 2023 йил

Химоя 2023 йил “ 19 ” 05 соат 10⁰⁰ да Тошкент давлат
иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

АННОТАЦИЯ

Мазкур магистрлик диссертация ишида кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва барқарор ривожлантиришда янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни молиялаштиришда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш масаласини тубдан ҳал қилиш орқали кичик саноат зоналарини молиявий маблағлар билан таъминлайдиган механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда солиқ ва бошқа имтиёزلарни қўллаш орқали уларга моддий асос яратадиган молиявий унсурларни жорий этиш масалалари ўрганилган. Бугунги кунда саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш, унинг меърий-ҳуқуқий талабларига риоя этиш ҳамда кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш орқали биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш масалалари алоҳида иқтисодий – ижтимоий аҳамиятга эга.

Кичик саноат зоналарини вужудга келтириш, жумладан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришга хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имконини берадиган солиқ, божхона имтиёзлари ва енгилликларининг кенг тизимини яратиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар: *кичик саноат зоналари, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, инвестициявий лойиҳалар, интеграция, вертикал ва горизонтал интеграция, инновация, дисперсион таҳлил.*

ANNOTATION

In this master's thesis, the development of new investment projects in the organization and sustainable development of small industrial zones and the effective use of commercial bank funds in financing it, the development of mechanisms that provide financial resources to small industrial zones, and the development of tax and other benefits the issues of introducing financial elements that create a material basis for them have been studied. Today, in addition to supporting industrial enterprises, the organization of activities of small industrial zones, compliance with its regulatory requirements, and the effective use of funds from commercial banks in the development of activities of small industrial zones, first of all, modernization of production, expansion of cooperative relations , establishment of strong cooperation, stimulation of internal demand for products produced in our country, and issues of providing employment to the population are of special economic and social importance.

A comprehensive plan aimed at creating a wide system of tax, customs benefits and reliefs that will allow to attract foreign and local investments to the development of free economic and industrial zones. work is being done.

Key words: *small industrial zones, sustainable economic development, investment projects, integration, vertical and horizontal integration, innovation, dispersion analysis.*

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	
Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	
Тадқиқотнинг илмий янгилиги.....	
Диссертация таркибининг кескача тавеифи.....	
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	13
1.1. Ўзбекистонда кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил қилишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.....	13
1.2. Кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий фаолиятни амалга оширишда тижорат банк маблағларидан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти.....	25
II БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ	37
2.1. Маълумотлар манбалари.....	37
2.2. Тадқиқот дизайни.....	37
2.3. Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	38
2.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	39
2.5. Тадқиқот жараёнида қўпилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	39
2.6. Тадқиқотдан қўпилаётган илмий ва амалий натижалар.....	39
III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР	41
3.1. Ўзбекистонда саноат корхоналари фаолияти ҳамда кичик саноат зоналари ривожланиш ҳолати.....	41
3.2. Хоразм ҳудудлари кесимида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.....	49
3.3. Хоразм вилоятида кичик саноат зоналари субъектларига яратилган имтиёзлар таҳлили.....	63
3.4. Ўзбекистон саноат корхоналари фаолиятини барқарор ривожлантириш йўллари.....	71
ХУЛОСА	82
Фойдаланилган адабиётлар	86

И.Кириш

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кичик саноат зоналарнинг таркибига кирувчи саноат корхоналарининг фаолиятини янада ривожлантириш, улардаги мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади, бу борада иқтисодий ва модернизация ва диверсификация қилиш, кичик саноат зоналардаги саноат корхоналарининг фаолиятини замонавий инновацион технологиялар билан янгилаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун чет эл инвестицияларининг ҳажмини янада кенгайтириш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда инвестиция маблағларини замонавий лойиҳаларни йўлга қўйишда сарфланиши янги имкониятларни юзага келтиради. Чет эл инвестицияларининг ҳажмини янада кенгайтиришда бевосита кичик саноат зоналар алоҳида ўринга эга бўлиб, улар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун саноат корхоналаридаги янги имкониятларни юзага келтириши таъминлайди.

Жумладан, мамлакатимиздаги бир қатор етакчи соҳаларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-йил 7-февралда 4947-сонли имзоланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига кўра 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини жорий этилиши натижасида қўйидаги ишларни амалга оширилиши режалаштирилди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши Иқтисодий ва модернизация ва диверсификация деб номланган бўлиб, унга кўра 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция